

**ЎЗР ФА ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВ АБРОР БОРИЖОН ЎҒЛИ

**A₃B₅ ЯРИМЎТКАЗГИЧ БИРИКМАЛИ НАНОИПЛАРДА ЭЛЕКТРОН
ГАЗИНИНГ ЭНЕРГЕТИК СПЕКТРИ ВА СТАТИСТИКАСИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Давлатов Аброр Борижон ўғли

A_3B_5 яримўтказгич бирикмали наноипларда электрон газининг энергетик спектри ва статистикаси..... 3

Давлатов Аброр Борижон угли

Энергетический спектр и статистика электронного газа в нанонитях полупроводниковых соединений A_3B_5 22

Davlatov Abror Borijon ogli

Energy spectrum and statistics of electronic gas in nanowires of semiconductor compounds A_3B_5 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ЎЗР ФА ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВ АБРОР БОРИЖОН ЎҒЛИ

**A₃B₅ ЯРИМЎТКАЗГИЧ БИРИКМАЛИ НАНОИПЛАРДА ЭЛЕКТРОН
ГАЗИНИНГ ЭНЕРГЕТИК СПЕКТРИ ВА СТАТИСТИКАСИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестатсия комиссиясида В2021.4.PhD/FM478 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Фанлар академияси Физика техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (<http://fti-kengash.uz/>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гулямов Гафур

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов Рустам Явқачович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Кучкаров Қудрат Мамарасулович

физика-математика фанлари доктори, катта илмий
ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/27.02.2020.FM/Т.110.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 2б-уй, Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: info.fti@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 2б-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди. (2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.К. Олимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.С. Ахатов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
т.ф.д., катта илмий ходим

Ш.Н. Усмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф. д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кичик ўлчамли квант ип, квант нуқта ва квант қатламларни тадқиқ этиш, яримўтказгичли бир ўлчовли тузилмаларни ўрганиш, бир ўлчовли яримўтказгичли конструкцияларни ишлаб чиқариш технологияси жадал ривожланиб бораётганлиги сабабли катта қизиқиш уйғотмоқда. Турли хил оптик ва электрон асбоблар учун потенциал қурилиш блоклари, нанометр ўлчамдаги лазерлар, ёруғлик диодлари, майдон-эффектли транзисторлар, фотодетекторлар ва қуёш элементлари ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ноёб хусусиятларни наноматериалнинг ўлчамларидаги электронларнинг чекланган ҳаракати билан боғлаш ҳамда бундай асбобларнинг аниқлик билан ишлашини таъминлаш-нанотузилмалардаги ток ташувчилар табиатини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда наноўлчамли объектлар ва улар асосидаги асбоблар олиниши асосан лаборатория шароитида молекуляр-нурли эпитакия технологияси асосида ноёб хусусиятларга эга бўлган яримўтказгичлар юпқа қатламлари яратилмоқда. Бу йўналишда яримўтказгичли наноиплар радиусини нанометр тартибидаги гетеротузилмаларнинг энергиясини ҳисоблаш бўйича назарий моделларни яратиш ва уларнинг энергия спектрларини тадқиқ қилиш долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Тор зонали InP/InAs/InP гетеротузилмали яримўтказгичли наноипларда ўтказувчанлик зонаси кучли нопараболик хусусиятга эга бўлиб электрон асбобларнинг ишини оптималлаштириш учун нафақат энергетик спектрлар, балки турлича яримўтказгич материаллари асосида яратилган наноипларда ток ташувчиларни статистикасини аниқлаш лозим. Экспериментал маълумотларни тушунтира оладиган математик моделларни яратиш InP/InAs/InP гетеротузилмали наноипларда кечаётган физик жараёнларни тавсифлаш, шунингдек InP/InAs/InP каби гетероструктураларда квази-бир ўлчамли электрон газини хоссаларини ўрганиш (ўтказувчанлик зонасини нопараболик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чекли чуқурликдаги квант ўрали наноипда электрон спектрини характерлаш яратиш, газни термодинамик ҳолатлар зичлигини температурага боғлиқлигини, концентрация, кимёвий потенциал ва энтропиясини аниқлаш в.х.) долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамызда илм-фан ривожига, жумладан яримўтказгичли асбоблар физикаси ва электроника соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш»¹. Бу борада турли ташқи таъсирларга чидамли янги электрон техника материаллари ва улар асосидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

структураларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг параметрларини назорат қилишнинг самарали усулларини яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг Ф2. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўғри тўртбурчакли ва цилиндрик наноипларда чексиз ва чекли чуқур потенциал ўра моделларидан фойдаланган ҳолда энергетик сатҳлар, тўлқин функциялар ҳамда электрон гази учун концентрация, термодинамик ҳолатлар зичлиги ва бир электронга тўғри келувчи энтропияларни ҳисоблашда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Н.В. Ткач, И.В. Пронишин, А.М. Маханец (Украина), Б.Р. Наг, С. Гангопадхйай (Хиндистон), А. Понсе (Франция), Э.П. Покатилов, В.А. Фоноберов, С.Н. Балабан (Молдова), Б.М. Фомин (Белгия). И. Кнежевич, Э. Б. Рамайя, Ю.В. Тупиков (АҚШ), А.А. Варламов, А.В. Кавокин (Италия), Ю.М. Гальперин, А.Ю. Кунцевич, В.М. Пудалов (Россия), К. Янссон, Э. Линд (Швеция).

Яримўтказгичлар физикасининг долзарб масалаларини ечишда Ўзбекистоннинг таниқли олимлари, жумладан: Р.А. Муминов, М.К. Бахадирханов, С. Зайнобиддинов, А.С. Саидов, Қ.П. Абдурахманов, Э.З. Имомов, Р.Я. Расулов, Ш. Отажоновлар томонидан яримўтказгичли квант ўра, квант нуқта ва квант ипларда энергия ҳолатлари ва термодинамик характеристикалари борасида кўплаб илмий изланишлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, тўғри тўртбурчакли ва цилиндрик наноипларда чексиз ва чекли чуқур потенциал ўра моделларидан фойдаланиб энергетик сатҳлар ва тўлқин функцияларни ҳисоблашларда дисперсияни нопараболиклиги, эффектив массанинг потенциал тўсиқ-потенциал ўра чегарасида сакраб ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳамда наноиплардаги электрон гази энергетик ҳолатлар зичлигини ҳарорат таъсирида ўзгаришини тушинтириш учун термодинамик ҳолатлар зичлигидан фойдаланилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий текшириш институтидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Физика-техника институти илмий тадқиқот изланишлари ВА-ФА-Ф-2-005 «Si, $Cu_2ZnSn(S_{1-x}Se_x)_4$ ва кенг зонали яримўтказгичлар асосидаги янги технологик ёндашувлар билан олинган структураларда ток ташувчилар ўтиш жараёнларнинг физикавий қонуниятлари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўғри тўртбурчакли ва цилиндрик потенциал ўрали наноипларда электронлар энергиясини дисперсияси нопараболик бўлган ҳолатлар учун ўрганиш ҳамда наноипларда электронлар гази термодинамик ҳолатлар зичлиги, концентрацияси, кимёвий потенциали ва энтропиясини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

InP/InAs/InP гетеротузилмали наноипларда чекли чуқур потенциал ўра моделида электронлар энергиясини ҳисоблаш усуллари таҳлил этиш, ҳисоблаш усулларидан фойдаланиб, содда тенгламалар келтириб чиқариш, наноипларда электронлар ва коваклар эффектив массаларини унинг чизиқли ўлчамларига боғлиқлигини аниқлаш;

тўғри тўртбурчакли ва цилиндрик потенциал ўрали наноипларда электронлар энергия сатҳларини солиштириш, улар орасидаги умумийликни чизиқли ўлчамлари орқали келтириш;

яримўтказгичли наноипларда электронлар термодинамик ҳолатлар зичлиги, концентрацияси ва энтропиясини ҳисоблаш;

наноиплардаги электронлар гази кимёвий потенциалини ҳарорат бўйича ўзгаришини ўрганиш;

Тадқиқотнинг объекти. InP/InAs/InP гетеротузилмали наноиплардаги электронлар гази.

Тадқиқотнинг предмети. Яримўтказгичли наноипдаги электронлар энергия сатҳлари, концентрацияси, термодинамик ҳолатлар зичлиги, кимёвий потенциали ва энтропияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий физиканинг тақрибий усуллари; Сонли таҳлил, математик моделлаштириш, дифференциал ҳисоблар каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

InP/InAs/InP-гетеротузилмали наноипларда зона тузилишидаги нопараболиклигини ва потенциал ўра чуқурлиги чекли эканлигини, InP/InAs-гетероўтишда эффектив масса ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда минизоналар спектрини ҳисоблайдиган тенгламалар топилган;

илк бор тўғри тўртбурчакли ва цилиндрик потенциал ўрали наноипларда энергия спектрлари ва тўлқин функцияси Шредингер тенгламасини ечиш орқали аниқланган;

наноипларда электронлар ва коваклар эффектив массаларининг кўндаланг ўлчамлари ортиб борганда камайиши энергия спектрлари ёрдамида аниқланган;

цилиндрик наноқатламдаги параболик ва нопараболик дисперсияли ҳолатлар энергетик спектрлари Шредингер тенгламасини ечиш оркали аниқланган;

илк бор тўла зарралар сони тенгламасидан фойдаланиб наноиплардаги электронлар концентрацияси, термодинамик ҳолатлар зичлиги, энтропиясини ифодаловчи тенгламалар топилган ва уларнинг температурага боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Таклиф этилган ва InP/InAs/InP гетеротузилмали наноипда синаб кўрилган бир ўлчамли электрон газини муҳим хоссалари: энергия спектри, кимёвий потенциали, концентрацияси, термодинамик ҳолатлар зичлиги ва энтропиясини ифодаловчи тенгламаларни A_3B_5 группасига таллуқли яримўтказгичлар асосидаги бошқа гетеротузилмали наноипларга ҳам қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги олиб борилган назарий ҳисоблашларни бажаришда халқаро тан олинган методлардан ва услубий жиҳатдан синалган математик усуллардан фойдаланилгани, назарий ҳисобланган натижалар адабиётларда келтирилган тажриба натижаларига мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли геометрик шакллардаги ва ўлчамлардаги яримўтказгичли наноипларда энергетик сатҳлар тўғрисида миқдорий маълумотлар аниқланганлигида ҳамда ушбу тизимларда электронлар статистикаси ҳақидаги янги тасаввурларни яратилганлигида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яримўтказгичли наноиплардаги электрон газининг физик хоссалари ва энергетик спектрлари асосида наноипли яримўтказгич структуралар олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. A_3B_5 яримўтказгич бирикмали наноипларда электрон газининг энергетик спектри ва статистикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

наноипларда электронлар энергия сатҳлари, концентрацияси ва термодинамик ҳолатлар зичлигининг харорат таъсирида ўзгариши учун олинган натижалардан «Фотон» Акциядорлик жамияти («Фотон» АЖ) да яримўтказгичли транзисторлар ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. («Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2021 йил 22 декабрга 04-3/2717-сонли маълумотномаси). Диссертацияда олинган натижаларни технологик жараёнга қўллаш майдон транзисторларининг кириш ва чиқиш характеристикаларини назорат қилиш имконини берган;

Наманган муҳандислик-технология институтида ОТ-Ф-74-«Яримўтказгичли қоришмалар ва кучли лигерланган яримўтказгичлар энергетик спектрларини тадқиқ қилиш» фундаментал лойиҳасининг илмий-техникавий вазифаларини бажаришда, диссертацияда ишлаб чиқилган наноипларда электронлар концентрацияси ва термодинамик ҳолатлар зичлиги учун олинган ифодалардан самарали фойдаланилган (Наманган муҳандислик-технология институтининг 2022 йил 7 февралдаги 310-024-сон

маълумотномаси). Мазкур лойиҳада диссертацияда олинган натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли қоришмалар ва кучли легирланган яримўтказгичлар энергетик спектрларини ва улардаги энергия ҳолатлар зичлигига ҳароратнинг таъсирини тушунтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 10 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 4 та хорижий ва 3 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 70 та расм ва 5 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, фан ва тадқиқот усулларининг диссертация мавзуси билан илмий тадқиқот ишларини боғлиқлиги диссертация иши бажарилган ОТМда аниқланган, ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Яримўтказгичли наноипларнинг ўстириш ва улардаги энергетик ҳолатларни ҳисоблаш усуллари»** деб номланган биринчи бобида яримўтказгичли наноипларнинг ўстириш усуллари ва уларнинг яримўтказгичли асбоблар ишлаб чиқаришда ишлатилиши ҳақида маълумотлар берилган. Ҳозирги кунгача жаҳонда яримўтказгичли наноиплардаги энергия сатҳлари, концентрация, термодинамик ҳолатлар зичлиги, энтропия ва кимёвий потенциалларни ҳисоблаган ишларни таҳлил қилинган. Ҳали етарлича ёритилмаган ва ўрганилиши зарур бўлган муҳим масалалар яққол ажратилиб, булар асосида муаммонинг қўйилиши шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Яримўтказгичли, тўғри тўртбурчакли наноипларда энергия сатҳлари ва тўлқин функциялари»** деб номланган иккинчи бобида яримўтказгичли тўғри тўртбурчакли чексиз ва чекли чуқур потенциал ўрали наноипларда электронлар ва коваклар энергия сатҳлари ҳамда тўлқин функциялари дисперсиянинг нопараболиклигини ҳисобга олган ҳолда аниқланган.

Тўғри тўртбурчакли чекли чуқур потенциал ўрали наноипдаги зарралар тўлқин функцияси ва энергиясини аниқлашда барьер ичида ва ўра ичида зарра массаси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, керакли чегаравий шартларни қўйиб, Шредингер тенгламасини ечганимизда куйидаги натижаларга келамиз.

$$E_y = \frac{\hbar^2}{2m_y L_y^2} \left(\pi n_y - 2 \text{Arcsin} \sqrt{\frac{\gamma E_y}{(\gamma - 1)E_y + V_0}} \right)^2, E_z = \frac{\hbar^2}{2m_z L_z^2} \left(\pi n_z - 2 \text{Arcsin} \sqrt{\frac{\gamma E_z}{(\gamma - 1)E_z + V_0}} \right)^2. \quad (1)$$

Бунда

$$\gamma = \frac{m_b}{m_y}, E(n_y, n_z, k_x) = E_y + E_z + E_{k_x} = E_y + E_z + \frac{\hbar^2 k_x^2}{2m} \quad (2)$$

Шредингер тенгламасини чекли орттирмалар усули ёрдамида ечганимизда куйидаги тенгламалар келиб чиқади.

$$\frac{\psi(y + \delta y)}{m^*(y + \delta y/2)} = \left[\frac{2(\delta y)^2}{\hbar^2} (V(y) - E_y) + \frac{1}{m^*(y + \delta y/2)} + \frac{1}{m^*(y - \delta y/2)} \right] \psi(y) - \frac{\psi(y - \delta y)}{m^*(y - \delta y/2)} \quad (3)$$

$$\frac{\psi(z + \delta z)}{m^*(z + \delta z/2)} = \left[\frac{2(\delta z)^2}{\hbar^2} (V(z) - E_z) + \frac{1}{m^*(z + \delta z/2)} + \frac{1}{m^*(z - \delta z/2)} \right] \psi(z) - \frac{\psi(z - \delta z)}{m^*(z - \delta z/2)} \quad (4)$$


Зонанинг нопараболиклигини ҳисобга олишда эффектив массаларни куйидагича оламиз.

$$m_{InPi}(E) = m_{0InPi} (1 + \alpha_{InPi}(E - V)), \quad \alpha_{InPi} = \frac{1}{E_{gInP}} \left(1 - \frac{m_i}{m_0}\right)^2, \quad \alpha_{InAsi} = \frac{1}{E_{gInAs}} \left(1 - \frac{m_i}{m_0}\right)^2 \quad (5)$$


Бу ерда V - потенциал тўсиқ баландлиги, α - нопараболиклик коэффициенти, m_i - электронни эффектив массаси, m_0 - электроннинг ўтказувчанлик зонаси тубидаги эффектив массаси, E_g - наъмунани тақиқланган зонаси кенглиги. Олинган натижаларни таҳлил қилиш учун InP/InAs/InP гетероструктурали наноипни танлаб оламиз. InAs ва InP яримўтказгич наъмуналар учун зонавий параметрлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. InAs ва InP яримўтказгич наъмуналар учун зонавий параметрлар

Параметрлар	E_g (eV)	$\frac{m_e}{m_0}$	$\frac{m_{hh}}{m_0}$	$\frac{m_{lh}}{m_0}$	χ (eV)	α_e $\left(\frac{1}{eV}\right)$	α_{hh} $\left(\frac{1}{eV}\right)$	α_{lh} $\left(\frac{1}{eV}\right)$	Δ_0 (eV)	ΔE_C (eV)	ΔE_V (eV)
InAs	0.36	0.023	0.41	0.026	4.91	2.65	0.97	2.63	0.38	0.52	0.47
InP	1.35	0.077	0.65	0.096	4.39	0.63	0.09	0.6	0.11		



1-Расм. Чекли чуқур потенциал ўрали тўғри тўртбурчакли наноипда электрон энергиясини ўра ўлчамига боғлиқлиги




2-Расм. Чексиз ва чекли чуқур потенциал ўрали тўғри тўртбурчакли наноипда электрон энергиясини ўра ўлчамига боғлиқлиги

1-расмда чекли чуқурликдаги потенциал ўрали тўғри тўртбурчакли наноипларда параболик ва нопараболик дисперсияли электронлар энергияларини наноип ўлчамларига боғлиқлиги тасвирланган. 2-расмда чекли ва чексиз чуқурликдаги потенциал ўрали тўғри тўртбурчакли наноипларда нопараболик дисперсияли электронлар энергияларини наноип ўлчамларига боғлиқлиги тасвирланган. Ҳисоблашларни бажаришда электронлар эффектив массаларини наноип ичида $0,023m_0$ ва ташқарисида $0,077m_0$ деб олдик. Потенциал ўра чуқурлиги эса, $\Delta E_C = \chi_{InAs} - \chi_{InP} = 0,52$ (эВ) га тенг бўлади. Ҳисоблашларни тўғри тўртбурчакли наноипнинг асоси квадрат кўринишидаги, ўчами 5 дан 25 нм гача бўлган ҳоллар учун бажардик. Тўғри тўртбурчакли наноипнинг ўчами 15 нм бўганда чексиз чуқур потенциал ўра модели $0,14533$ эВ, чекли потенциал ўра модели эса $0,07292$ эВ натижа берар экан. Агар чексиз чуқур потенциал ўра ўрнига чекли чуқур потенциал ўра моделини танласак, сатҳлари пастроқда бўлар экан. Тўғри тўртбурчакли

наноипнинг ўчами 15 нм бўганда параболик дисперсияли ҳолат учун 0,07292 эВ, нопараболик дисперсияли ҳолат учун эса 0,06738 эВ энергия тўғри келади. Демак, дисперсияни нопараболиклигини ҳисобга олсак, энергия сатҳлари пастроқда бўлар экан. Умумий олганда наноип кўндаланг ўлчами ортиб борса энергия сатҳлари пасайиб борар экан. Тўғри тўртбурчакли наноипнинг қирралари ўлчамлари бир-бирига яқин бўлганда, уни квант нуқтаси дейиш мумкин. ²Ишда Ge/Si-квант нуқтаси учун ён томонлама фотоўтказувчанлик спектрлари ёрдамида олинган тажриба натижалари билан (3-расм) биз келтирган (1) тенглама берадиган натижаларни солиштирамиз (2-жадвал). Тажрибада коваклар энергия сатҳлари ва электрон ҳолатлар орасида оптик ўтишлар кузатилган. Ёруғликнинг квант энергияси ва коваклар энергия сатҳлари қуйидаги муносабат билан боғланган.

$$h\nu_{n_x n_y n_z} = E_{g, Si} - V_0 + E_{n_x n_y n_z}, \quad n_x, n_y, n_z = 1, 2, 3, \dots$$

Бу ерда, $E_{g, Si}$ -кремнийнинг тақиқланган зонаси кенглиги (1,12 эВ), V_0 -ўрани чуқурлиги (0,84 эВ), $E_{n_x n_y n_z}$ -коваклар энергия сатҳлари. Чекли потенциал ўра модели бўйича келтирган транцендент тенгламамиз берадиган натижалар тажриба натижаларига анча яқин келади.



3-расм. Ge/Si гетеротузилма квант нуқтаси учун [2] ишда олинган тажриба натижалари.


2-жадвал.Тажрибада олинган ва бизнинг ҳисоблаш натижаларимиз.

Ютилган фотон энергияси	Тажриба натижалари(эВ)	Ҳисоблаш натижалари (эВ)
$h\nu_{(1,1,1)}$	0.461	0.465
$h\nu_{(1,3,1)}$	0.571	0.563
$h\nu_{(1,3,3)}$	0.657	0.661
$h\nu_{(2,1,1)}$	0.833	0.819
$h\nu_{(2,3,1)}$	0.914	0.917
$h\nu_{(2,3,3)}$	1.000	1.015


Диссертациянинг «Яримўтказгичли цилиндрик наноипларда электрон энергия сатҳлари ва тўлқин функциялари» деб номланган

² Talochkin, A. B., Chistokhin, I. B., & Markov, V. A. Nanotechnology, 20(17), 175401.2009.

учинчи бобида яримўтказгичли цилинрик чексиз ва чекли чуқур потенциал ўрали наноипларда электронлар ва коваклар энергия сатхлари ҳамда тўлқин функциялари дисперсиянинг нопараболиклигини ҳисобга олган ҳолда аниқланган.



4-расм. $\text{Al}_{0.36}\text{Ga}_{0.64}\text{As}/\text{GaAs}$ гетеротузилмали наноипларда энергиянинг наноип диаметрига боғлиқлиги.



5-расм. Чексиз ва чекли чуқур потенциал ўрали цилинрик наноипда электрон энергиясини унинг радиусига боғлиқлиги

Цилинрик чекли чуқур потенциал ўрали наноипдаги зарралар тўлқин функцияси ва энергиясини аниқлашда барьер ичида ва ўра ичида зарра эффектив массаси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, керакли чегаравий шартларни қўйиб, Шредингер тенгламасини ечганимизда қуйидаги транцендент тенгламага келамиз.

$$\frac{J_l'(k_y R) K_l(\gamma_b R)}{J_l(k_y R) K_l'(\gamma_b R)} = \frac{\gamma_b m_y}{k_y m_b} \quad (6)$$

Бунда

$$k_y = \sqrt{\frac{2m_y}{\hbar^2} E}, \quad \gamma_b = \sqrt{\frac{2m_b}{\hbar^2} (V_0 - E)}$$

Агар $k_A R$ ва $\gamma_B R$ ифодалар нолга интилганда $l=0$ ҳолат учун мавҳум аргументли $I_l(\zeta)$ Бессел функцияси ва $K_l(\zeta)$ Макдональд функцияларни аргументи бўйича қаторга ёйиб биринчи ҳадлари билан чегаралансак, у ҳолда хатолик камроқ бўлади. (6) тенгламадан электрон энергияси учун қуйидаги ифода келиб чиқади


$$E_{0,1} = \frac{4\hbar^2}{m_A R^2} \frac{\sqrt{2m_B V_0 / \hbar^2} R K_0(\sqrt{2m_B V_0 / \hbar^2} R) + 2K_1(\sqrt{2m_B V_0 / \hbar^2} R)}{\sqrt{2m_B V_0 / \hbar^2} R K_0(\sqrt{2m_B V_0 / \hbar^2} R) + 4K_1(\sqrt{2m_B V_0 / \hbar^2} R)}. \quad (7)$$

Бу ерда V_0 - потенциал тўсиқ баландлиги, R -наноип радиуси, m_A, m_B - электронни потенциал ўра ичидаги ва тўсиқдаги эффектив массалари.


$\text{GaAs}/\text{Al}_{0.36}\text{Ga}_{0.64}\text{As}$ гетероструктурали наноиплар учун ³ишда олинган тажриба натижалари билан бизнинг ҳисоблаш натижаларимизни солиштириш учун 4-расмдаги график олинди. Графикка эътибор берсак, бизнинг ҳисоблаш натижаларимиз асосида тажриба натижаларини таҳлил қилишимиз мумкин эканлиги равшан. Цилинрик наноип учун Шредингер тенгламасини чекли орттирмалар усули ёрдамида ечганимизда қуйидаги ифода келиб чиқади.

³ Dimberger, F., Kammermeier, M., König, J., Forsch, M., Faria Junior. Applied Physics Letters, 114(20), 202101. (2019).

$$\psi(\rho + \delta\rho) = \frac{8 \left\{ \frac{(\delta\rho m(x))^2}{\hbar^2} [V(\rho) - E] + m(\rho) \right\}}{\left\{ 2m(\rho) \left(2 + \frac{\delta\rho}{\rho} \right) - m(\rho + \delta\rho) + m(\rho - \delta\rho) \right\}} \psi(\rho) - \frac{\left\{ 2m(\rho) \left(2 - \frac{\delta\rho}{\rho} \right) + m(\rho + \delta\rho) - m(\rho - \delta\rho) \right\}}{\left\{ 2m(\rho) \left(2 + \frac{\delta\rho}{\rho} \right) - m(\rho + \delta\rho) + m(\rho - \delta\rho) \right\}} \psi(\rho - \delta\rho) \quad (8)$$




6-Расм. Чекли чукур потенциал ўрали цилиндрик наноипда параболик ва нопараболик дисперсияли электронлар энергиясини унинг радиусига боғлиқлиги




7-расм. Цилиндрик ва тўғри тўртбурчакли чекли потенциал ўрали наноипда электроннинг биринчи сатҳ энергияларини кесим юзаларига боғлиқлиги.


Юқорида келтирилган тенгламалардан фойдаланиб, зона нопараболиклиги учун (5) тенгламани қўллаб InP/InAs/InP гетероструктурали наноип учун 5-6-расмларда тасвирланган графикларни оламиз. Ҳисоблашларни бажаришда электронлар эффектив массаларини наноип ичида $0,023m_0$ ва ташқарисида $0,077m_0$ деб олдик. Потенциал ўра чуқурлиги эса, $\Delta E_C = \chi_{InAs} - \chi_{InP} = 0,52$ (эВ) га тенг бўлади. Ҳисоблашларни цилиндрик наноипнинг радиусини 5 дан 15 нм гача бўлган ҳоллар учун бажардик. Цилиндрик наноипнинг радиуси 10 нм бўлганда чексиз чукур потенциал ўра модели 95,79 мэВ, чекли потенциал ўра модели эса 53,39 мэВ натижа беради. Агар чексиз чукур потенциал ўра ўрнига чекли чукур потенциал ўра моделини танласак, сатҳлар пастроқда бўлар экан. Цилиндрик наноипнинг радиуси 10 нм бўлганда нопараболик дисперсияли ҳолат учун (6) тенглама 53,397 мэВ, (7) тенглама 59,397 мэВ ва (8) тенглама 56,337 мэВ қийматлар беради. 5-расмдан кўринадик, кичик радиусларда чексиз ва чекли потенциал ўрали наноиплар энергия сатҳларида фарқ жуда катта бўлади, катта радиусларда эса сатҳлар бир-бирига яқин бўлади. 6-расмда юқорида келтирилган (6), (7) ва (8) тенгламалардан олинган натижалар солиштирилган, бизнинг келтириб чиқарган (7) ифодамиз аниқ натижаларга яқин натижалар беришини кўришимиз мумкин. InP/InAs/InP гетероструктурали тўғри тўртбурчакли ва цилиндрик наноипларда кўндаланг қирқим юзалар тенг бўлганда энергия сатҳлари деярли тенг бўлишини 7-расмдан кўришимиз мумкин. 8-13-расмларда InP/InAs/InP гетероструктурали цилиндрик наноипда ҳар-бир сатҳларга тўғри келувчи тўлқин функцияларини 2D графиги тасвирланган.




8-расм. Цилиндрик чекли потенциал ўрали наноипда электроннинг (0,0) ҳолат учун тўлқин функциясининг ўра ўлчамига боғлиқлиги.




9-расм. Цилиндрик чекли потенциал ўрали наноипда электроннинг (0,1) ҳолат учун тўлқин функциясининг ўра ўлчамига боғлиқлиги.




10-расм. Цилиндрик чекли потенциал ўрали наноипда электроннинг (+1,0) ҳолат учун тўлқин функциясининг ўра ўлчамига боғлиқлиги.



11-расм. Цилиндрик чекли потенциал ўрали наноипда электроннинг (-1,0) ҳолат учун тўлқин функциясининг ўра ўлчамига боғлиқлиги.



12-расм. Цилиндрик чекли потенциал ўрали наноипда электроннинг (+2,0) ҳолат учун тўлқин функциясининг ўра ўлчамига боғлиқлиги.



13-расм. Цилиндрик чекли потенциал ўрали наноипда электроннинг (-2,0) ҳолат учун тўлқин функциясининг ўра ўлчамига боғлиқлиги.


Яримўтказгичли, цилиндрик наноқатламда энергия сатҳлари ва тўлқин функциялари. Цилиндрик чекли чуқур потенциал ўрали наноқатламдаги зарралар тўлқин функцияси ва энергиясини аниқлашда барьер ичида ва ўра ичида зарра массаси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, керакли чегаравий шартларни қўйиб, Шредингер тенгламасини ечганимизда кўйидаги трансцендент тенгламага келамиз.

$$\frac{\frac{m_A}{m_B} J_1(k_A R_1) I_1'(\gamma_B R_1) - J_1'(k_A R_1) I_1(\gamma_B R_1)}{\frac{m_A}{m_B} J_1(k_A R_2) K_1'(\gamma_B R_2) - J_1'(k_A R_2) K_1(\gamma_B R_2)} = \frac{N_1'(k_A R_1) I_1(\gamma_B R_1) - \frac{m_A}{m_B} N_1(k_A R_1) I_1'(\gamma_B R_1)}{N_1'(k_A R_2) K_1(\gamma_B R_2) - \frac{m_A}{m_B} N_1(k_A R_2) K_1'(\gamma_B R_2)} \quad (9)$$


(9) трансцендент тенглама ёрдамида чекли потенциал ўрали цилиндрик наноқатламдаги электрон ва коваклар энергияларини ҳисоблаш мумкин. Чекли чуқур потенциал ўрали цилиндрик наноқатламда параболик ва нопараболик дисперсияли электронлар энергиясини қатлам қалинлигига боғлиқлиги 14-расмда келтирилган. Наноқатламда ҳам нопараболик

ҳолатларда сатхлар параболик ҳолатларниқига нисбатан пастроқда жойлашар экан. 15-расмда чекли чуқур потенциал ўрали цилиндрик наноқатламда параболик ва нопараболик дисперсияли электронлар энергиясини қатлам ички радиусига боғлиқлиги тасвирланган. Графикдан кўринадики, қатлам қалинлиги ўзгармасдан цилиндриқнинг ички радиусининг ўзгариши энергия сатхларига жуда кам таъсир этар экан.

Диссертациянинг «Яримўтказгичли наноишларда электронлар статистикаси» деб номланган тўртинчи бобида яримўтказгичли наноишларда электронлар концентрацияси, термодинамик ҳолатлар зичлиги ва энтропияси учун тенгламалар топилган.



14-расм. Чекли чуқур потенциал ўрали цилиндрик наноқатламда параболик ва нопараболик дисперсияли электронлар энергиясининг қатлам радиусига боғлиқлиги



15-расм. Чекли чуқур потенциал ўрали цилиндрик наноқатламда параболик ва нопараболик дисперсияли электронлар энергиясининг қатлам ички радиусига боғлиқлиги.

Яримўтказгичли наноишларда электронлар концентрацияси.


Яримўтказгичли наноишларда зарядли зарралар концентрациясини ифодалаш учун тўла зарралар сонини топиш тенгламасидан фойдаланганимизда куйидаги ифода келиб чиқади.

$$n_L = n_0 \sum_{n,l} \int_{E_{n,l}}^{\infty} \left(e^{\frac{E-\mu}{kT}} + 1 \right)^{-1} \frac{dE}{\sqrt{E - E_{n,l}}} \quad (10)$$

Бу ерда $n_0 = \sqrt{2m/\pi^2 \hbar^2}$ - белгилаш киритиб олдик, m - электрон эффектив массаси, \hbar - Планк доимийси.


Бизга маълумки, Ферми-Дирак тақсимот функцияси $T \rightarrow 0$ бўлган ҳолда $\mu > E$ бўлганда 1 га ва $\mu < E$ бўлганда 0 га тенг бўлади. Бунда $\mu > E$ бўлган ҳолатлар электронлар билан тўлган ва $\mu < E$ бўлган ҳолатлар бўш эканлигини англатади. Ҳароратни кўтариб борганимизда, Ферми-Дирак тақсимот функциясини 1 дан нолга кескин сакраши эгила бошлайди. Ҳарорат қанча юқори бўлса, бу эгилиш бир неча kT ларда кечади. Бунда электронлар банд соҳадан бўш соҳага ёйила бошлайди. Наноишларда паст ҳароратларда энергия сатхларида энергия ҳолатлар зичлиги жуда катта бўлади, юқори ҳароратларда эса сатхлар ёйилиши ҳисобига энергия ҳолатлар зичлиги камаяди. Шунинг учун юқори ҳароратларда пиклар йўқолиб боради (16-расм). (10) ифодадаги интегрални аниқ аналитик ҳисоблашни имкони йўқ, шунинг учун куйидагича тақрибий ҳисоблаймиз. Бунда интеграл Ферми интеграл функциясининг $j = -1/2$ ҳолатдагисидир. Ихтиёрий ҳароратда интегрални ҳисоблаш учун Ферми интеграл функциясининг $j = 1/2$

ҳолатдагисини турли-хил ечимларидан фойдаланганмиз. Бунда концентрация учун қуйидаги ифодалар келиб чиқади.



16-расм. Ферми-Дирак тақсимот функцияси ва унинг ҳосиласи.

$$n_L \approx \begin{cases} n_0 \sqrt{kT} \sum_{n,l} e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}}, & -191 > \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \\ 16n_0 \sqrt{\pi kT} \sum_{n,l} \left(4 + e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right)^{-2} e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}}, & -191 < \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} < 1,33 \\ n_0 \sqrt{kT} \sum_{n,l} \sqrt{\left(\frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \right)^{-3} \left(2 \left(\frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \right)^2 - \frac{\pi^2}{12} \right)}, & 1,33 < \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \end{cases} \quad (11)$$



17-расм. Турли ҳароратларда наноипдаги электронлар концентрациясининг кимёвий потенциалга боғлиқлиги.

Ҳосил қилинган (11) тенгламадан фойдаланиб яримўтказгичли наноипдаги электронлар гази концентрациясини аниқлаш мумкин. Бунда ўлчамлари 18 ва 12,8 нм бўлган, InP/InAs/InP гетеротузилмали, тўғри тўртбурчакли наноипларда чексиз чуқур потенциал ўра моделида электронлар концентрациясини ҳисоблаймиз ($E_{(1,1)}=0,15$ эВ, $E_{(2,1)}=0,3$ эВ, $E_{(1,2)}=0,45$ эВ, $E_{(3,1)}=0,55$ эВ, $E_{(1,3)}=0,6$ эВ). 17-расмда наноипдаги электронлар гази концентрациясини кимёвий потенциалга боғлиқлиги тасвирланган. Ҳар-бир энергия сатҳидан ўтишда чизикларда синиш кузатилмоқда, бу бир минизона тўлиб иккинчи минизона бошланишини билдиради. Графиклардан кўринадики ҳарорат ортганда чизиклардаги сатҳлардан ўтиш нуқталаридаги


синишлар силлиқлашиб боради. Бунга сабаб ҳарорат ортганда кимёвий потенциал камайиб боришини келтиришимиз мумкин.

Яримўтказгичли наноипларда электронлар термодинамик ҳолатлар зичлиги. Яримўтказгичли наноипларда электронлар энергетик ҳолатларини ҳарорат бўйича ўзгаришини ўрганиш учун термодинамик ҳолатлар зичлигидан фойдаланамиз. (10) тенгламадан фойдаланиб термодинамик ҳолатлар зичлигини ифодалаймиз.

$$N(\mu, T) = \frac{\partial n_L}{\partial \mu} = \frac{n_0}{4kT} \sum_{n,l} \int_{E_{n,l}}^{\infty} \cosh\left(\frac{E - \mu}{2kT}\right)^{-2} \frac{dE}{\sqrt{E - E_{n,l}}}. \quad (12)$$

(12) ифодадаги интегрални аниқ аналитик ҳисоблашни имкони йўқ, шунинг учун юқорида келтирилган (11) тенгламадан фойдаланиб қуйидаги ифодани ҳосил қиламиз.

$$N(\mu, T) \approx \begin{cases} \frac{n_0}{\sqrt{kT}} \sum_{n,l} e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}}, & -191 > \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \\ 16n_0 \sqrt{\frac{\pi}{kT}} \sum_{n,l} \left[\left(e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} - 4 \right) \left(4 + e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right)^{-3} e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right], & -191 < \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} < 1,33 \\ \frac{n_0}{8} \sum_{n,l} \frac{(\pi kT)^2 + 8E_{n,l}^2 - 16\mu E_{n,l} + 8\mu^2}{(\mu - E_{n,l})^{5/2}}, & 1,33 < \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \end{cases} \quad (13)$$



18-расм. Турли ҳароратларда наноипдаги электронлар термодинамик ҳолатлар зичлигининг кимёвий потенциалга боғлиқлиги.

18-расмда яримўтказгичли наноипдаги электронлар гази термодинамик ҳолатлари зичлигини кимёвий потенциалга боғлиқлиги (13) тенглама асосида 20, 100, 200 ва 300 К ҳароратлар учун келтирилган. Бунда ўлчамлари 18 ва 12,8 нм бўлган, InP/InAs/InP гетеротузилмали, тўғри тўртбурчакли наноипларда чексиз чуқур потенциал ўра моделида электронлар термодинамик ҳолатлар зичлигини ($E_{(1,1)}=0,15$ эВ, $E_{(2,1)}=0,3$ эВ, $E_{(1,2)}=0,45$ эВ, $E_{(3,1)}=0,55$ эВ, $E_{(1,3)}=0,6$ эВ). Ҳар-бир энергия сатҳидан ўтишда чизиқларда синиш кузатилмоқда, бу бир минизона тўлиб иккинчи минизона бошланишини билдиради. Паст ҳароратларда чўққилар яққол кўринмоқда.

Ҳарорат кўтарилган сари энергия сатҳлари ўзгариб, чўққилар йўқолиб бормоқда. Чўққиларни йўқолиб бориши ҳароратга ва ихтиёрий иккита кўшни сатҳ оралиқ энергиясига ҳам боғлиқ экан. Чунки 4 ва 5 сатҳ ораси қолган сатҳлар орасига нисбатан кичик, 4 сатҳ деярли 200 К ҳароратда йўқолиб кетмоқда. Ҳисоблашларимизни кўрсатишича $\Delta E_{i,j} \rightarrow \Delta T$ бўлганда чўққилар йўқолиб кетади. Бу ҳолни ҳарорат кўтарилганда кимёвий потенциал аввал ортиб кейин камайиши, юқори ҳароратларда деярли чизикли камайиши билан тушунтириш мумкин.

Яримўтказгичли наноипларда электронлар энтропияси. Яримўтказгичли наноипларда битта электронга тўғри келувчи энтропияни ифодалаш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланамиз⁴.

$$s = \left(\frac{\partial S}{\partial n_L} \right)_T = - \left(\frac{\partial \mu}{\partial T} \right)_{n_L} = \left(\frac{\partial n_L}{\partial T} \right)_\mu \left(\frac{\partial n_L}{\partial \mu} \right)_T^{-1}. \quad (14)$$


Наноиплардаги битта электронга тўғри келувчи энтропияни аналитик ҳисоблаш учун (11) тенгламадан фойдаланамиз. Бундан қуйидаги тенгламалар келиб чиқади.

$$s \approx \begin{cases} \sum_{n,l} \left[\left(\frac{k}{2} - \frac{\mu - E_{n,l}}{T} \right) e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right] \left(\sum_{n,l} e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right)^{-1}, & -191 > \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \\ \frac{\sum_{n,l} \left[\left[\left(\frac{k}{2} + \frac{\mu - E_{n,l}}{T} \right) e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} + 4 \left(\frac{k}{2} - \frac{\mu - E_{n,l}}{T} \right) e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right] \left(4 + e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right)^{-3} \right]}{\sum_{n,l} \left[\left(e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \left(4 - e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right) \right) \left(4 + e^{\frac{\mu - E_{n,l}}{kT}} \right)^{-3} \right]}, & -191 < \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} < 1,33 \\ \frac{4k\pi^2}{3} \sum_{n,l} \left(\frac{kT}{E_{n,l} - \mu} \right)^{3/2} \sum_{n,l} \left[\left(\frac{kT}{E_{n,l} - \mu} \right)^{5/2} \left(\pi^2 + 8 \left(\frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \right)^2 \right) \right]^{-1}, & 1,33 < \frac{\mu - E_{n,l}}{kT} \end{cases} \quad (15)$$

Яримўтказгичли наноипларда битта электронга тўғри келувчи энтропияни (14) тенглама асосида ифодаланади. Юқорида келтирилган (11) тенгламадан фойдаланиб (15) тенгламани тақрибий ифодаладик. (15) тенглама яримўтказгичли наноиплардаги битта электронга тўғри келувчи энтропияни тақрибий ифодалайди. 19-расмларда наноипдаги битта электронга тўғри келувчи энтропияни кимёвий потенциалга боғлиқлиги келтририлган. Бунда ўлчамлари 18 ва 12,8 нм бўлган, InP/InAs/InP гетеротузилмали, тўғри тўртбурчакли наноипларда чексиз чуқур потенциал ўра моделида битта электронга тўғри келувчи энтропияни ҳисоблаймиз ($E_{(1,1)}=0,15$ эВ, $E_{(2,1)}=0,3$ эВ, $E_{(1,2)}=0,45$ эВ, $E_{(3,1)}=0,55$ эВ, $E_{(1,3)}=0,6$ эВ). Графикдан ихтиёрий сатҳдаги битта электронга тўғри келувчи энтропия ҳароратга боғлиқ эмас эканли кўринмоқда. $\mu = E_{n,l}$ бўлганда битта электронга тўғри келувчи энтропия (15) тенгламадан $s \approx 5k/6$ га тенг бўлар экан. Графиклардан кўринадики ҳарорат ортганда графиклардаги тебранишлар

⁴ A.A. Varlamov, A.V. Kavokin, Y.M. Galperin. Quantization of entropy in a quasi-two-dimensional electron gas. Physical Review B, 93(15). (2016)

пиклари йўқолиб, силлиқлашиб борар экан. Бунга сабаб наноипларда ҳарорат юқори бўлганда кимёвий потенциал чизикли ўзгариб боришидир.



19-расм. Турли ҳароратларда наноипдаги битта электронга тўғри келувчи энтропиянинг кимёвий потенциалга боғлиқлиги.

Хулоса

Диссертация ишида яримўтказгичли наноипларда ҳамда цилиндрик наноқатламларда электронлар энергияси, тўлқин функцияси, концентрацияси, термодинамик ҳолатлар зичлиги ва энтропияси ўрганилди.

Тадқиқот ишининг асосий натижалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. InP/InAs/InP гетеротузилмали турли шаклдаги наноипларда дисперсияси нопараболик бўлган ҳолатлар учун, InP/InAs ўтишда эффектив масса ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда энергия сатҳлари ва тўлқин функциялари икки-хил усулда чекли потенциал ўра моделида ҳисобланган.

2. Наноипларда дисперсия нопараболик бўлганда, параболик бўлган ҳолатга нисбатан энергия сатҳлари пастрокда бўлиши аниқланган.

3. Цилиндрик чекли чуқур потенциал ўрали наноипда биринчи сатҳ энергиясини аниқловчи тенглама келтириб чиқарилган.

4. Электронлар ва коваклар эффектив массасини наноиплар ўлчамларига боғлиқ равишда ўзгариши кўрсатилган.

5. Тўғри тўртбурчак ва цилиндрик потенциал ўрали наноипларда ҳар-бир сатҳда электронлар жойлашувини 2D графиклардан фойдаланиб тушунтирилган.

6. Тўғри тўртбурчак ва цилиндрик потенциал ўрали наноипларни қирқим юзалари тенг қилиб олинганда энергия сатҳлари бир-бирига жуда яқин чиқиши аниқланган.

7. Цилиндрик қатлам қалинлиги ўзгармасдан цилиндр ички радиусининг ўзгариши энергия сатҳларига жуда кам таъсир кўрсатиши аниқланган.

8. Яримўтказгичли наноипларда концентрация, термодинамик ҳолатлар зичлиги ва энтропиясини аниқлайдиган ифода келтириб чиқарилган ҳамда уларнинг ҳарорат таъсирида ўзгариши таҳлил қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ АН РУз**

ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ДАВЛАТОВ АБРОР БОРИЖОН УГЛИ

**ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЙ СПЕКТР И СТАТИСТИКА ЭЛЕКТРОННОГО
ГАЗА В НАНОНИТЯХ ПОЛУПРОВОДНИКОВЫХ
СОЕДИНЕНИЙ A_3B_5 .**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.PhD/FM478.

Диссертация выполнена в Физико-техническом институте Академии наук Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fti.uz/) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Гулямов Гафур**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Расулов Рустам Явкачович**
доктор физико-математических наук, профессор

Кучкаров Кудрат Мамарасулович
доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита состоится «_____» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 при Физико-техническом институте АН РУз. Адрес: Ул. Чингиза Айтматова 2б. 100084, г.Ташкент, Узбекистан. Административное здание Физико-технического института, зал конференций. Тел./факс: (+99871)235-42-91, e-mail: info.fti@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирован за №___). (Адрес: Ул. Чингиза Айтматова 2б. 100084, г. Ташкент, Узбекистан. Физико-технический институт. Тел./факс: (+99871) 235-42-91.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года
(протокол рассылки _____ от _____ 2022 года).

Х.К. Олимов
председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.С. Ахатов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., с.н.с.

Ш.Н. Усмонов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.ф.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с развитием технологии производства одномерные полупроводниковые конструкции во всем мире исследование низкоразмерных квантовых нитей, квантовых точках и квантовых слоёв, одномерных структур, вызывают большой интерес. Разрабатываются потенциальные строительные блоки для различных оптических и электронных устройств, лазеров нанометрового размера, светоизлучающих диодов, полевых транзисторов, фотодетекторов и солнечных элементов. Особое внимание уделяется определению природы носителей тока в наноструктурах, связывая эти уникальные свойства с ограниченным движением электронов в размерах наноматериала и обеспечивая прецизионную работу таких устройств.

В мировых масштабах получение наноразмерных объектов и приборов на их основе в лабораторных условиях основано на успехах технологии молекулярно-лучевой эпитаксии, которая позволяет получать полупроводниковые тонкие слои с уникальными свойствами. В этом направлении разработка теоретических моделей полупроводниковых нанонитей с радиусом порядка нанометров, расчёт энергий и теоретические исследования энергетических спектров таких гетероструктур являются актуальными задачами физики полупроводников. В нанонитях узкозонных гетероструктур InP/InAs/InP зона проводимости является сильно непараболической. Создание математических моделей, способных объяснить экспериментальные данные, описывающие физические процессы, происходящие в нанопроволоках гетероструктур InP/InAs/InP, а также изучение свойств квазиодномерного электронного газа в гетероструктурах типа InP/InAs/InP (разработка математической модели, характеризующей энергетический спектр электронов нанонити с квантовой ямой конечной глубины с учётом непараболичности зоны проводимости, а также определение температурной зависимости термодинамической плотности состояний, концентрации носителей заряда, химического потенциала и энтропии и.т.п).

В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены задачи, в том числе «..бесперебойное обеспечение экономики электроэнергией, активное внедрение технологий «Зелёной экономики» во все сферы, увеличение энергоэффективности экономики на 20 процентов»⁵. Для выполнения поставленных задач, в частности, строительство новых и модернизация существующих производств на основе возобновляемых источников энергии, в том числе разработка метода определения равновесной температуры стенки абсорбера в условиях падающей солнечной радиации на поверхность горизонтального плоского солнечного воздухонагревателя и температуры на выходе из нагревателя в условиях

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

принудительной конвекции важно проводить научные исследования, направленные на решение этих вопросов, являющиеся востребованными.

Представленное диссертационное исследование, в определенной мере, способствует выполнению задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», а также постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-4779 «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции, путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов» от 10 июля 2020 года и № ПП-4422 «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии» от 22 августа 2019 года, в котором утверждены долгосрочные целевые параметры развития ВИЭ и план организационно-практических мер дальнейшего развития ВИЭ.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан – Ф2. «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

Степень изученности проблемы. Используя модели прямоугольных и цилиндрических нанонитей с потенциальными ямами конечной глубины были вычислены энергетические уровни, волновые функции, концентрации, плотности термодинамических состояний и энтропия электронного газа в котором принимали ряд известные зарубежные ученые такие как, Н.В. Ткач, И.В. Пронишин, А.М. Маханец (Украина), Б.Р. Наг, С. Гангопадхйай (Индия), А. Понсе (Франция), Э.П. Покатилов, В.А. Фоноберов, С.Н. Балабан (Молдова), Б.М. Фомин (Бельгия). И. Кнежевич, Э. Б. Рамайя, Ю.В. Тупиков (США), А.А. Варламов, А.В. Кавокин (Италия), Ю.М. Гальперин, А.Ю. В.М. Пудалов (Россия), К. Янссон, Э. Линд (Швеция).

При решении актуальных задач физике полупроводников по квантовым ямам, квантовым точкам и квантовым нитям и определении их энергетических состояний и термодинамических характеристик вынесли большой вклад известные ученые Узбекистана Р.А. Муминов, М.К. Бахадирханов, С. Зайнобиддинов, А.С. Саидов, К.П. Абдурахманов, Э.З. Имомов, Р.Я. Расулов и Ш. Отажонов.

